

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
"O'zDonmahsulot" акциядорлик  
компанияси якка акциядорининг  
2016 йил 24 июндаги  
йиғилиш қарори билан.

**«O'ZDONMAHSULOT» акциядорлик компанияси**  
**Кузатув кенгаши тўғрисидаги**  
**Н И З О М**  
(янги таҳрирда)

## I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун), бошқа Қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган ва "O'zDonmahsulot" акциядорлик компанияси Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда - Кузатув кенгаши)нинг мақоми, ваколат доираси ва фаолиятини ташкил этиш тартиби, унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш), шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи меъёрлардан таркиб топган.

2. Кузатув кенгаши "O'zDonmahsulot" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва компания Устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

3. Кузатув кенгаши Компаниянинг бошқарув органи ҳисобланади.

4. Кузатув кенгаши Компанияни бошқариш масалалари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

## II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

5. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунга мувофиқ тегишли ҳуқуққа эга шахслар томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳоллари бундан мустасно;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки компаниянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- ижроия орган (Бошқарув)га тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

- компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда компаниянинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси компания кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- компания Бошқарувининг фаолиятига даҳлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва компания Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш. Компания Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- компаниянинг заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
  - компаниянинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
  - баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада компания соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган ҳоллар бундан мустасно;
  - аффилланган шахслар иштирокида тузилаётган битимни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, компания Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси тузилаётган битим бўйича аффилланган шахс бўлиши ҳоллари бундан мустасно;
  - компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
  - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда компания устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги ва компания Уставига устав фондиди кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қарорлар қабул қилиш;
  - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
  - компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
  - қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва (ёки) кўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва (ёки) кўшимчалар матнини тасдиқлаш.
6. Кузатув кенгашининг ваколатига Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.
7. Кузатув кенгаши компаниянинг йиллик ҳисоботини акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўн кундан кечиктирмай дастлабки тарзда тасдиқлаши лозим.
8. Кузатув кенгаши компания Уставига мувофиқ Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар компания Уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.
9. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун компания Бошқарувиغا ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ)**

10. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва компания Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.
11. Кузатув кенгашининг сон таркиби компания Устави билан белгиланади ва 7 (етти) кишидан таркиб топади.
12. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.
13. Компания Бошқаруви аъзолари компаниянинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.
14. Айни шу компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар

компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

15. Кузатув кенгаши таркибига қоидага биноан компания акциядорлари (акциядорлар - жисмоний шахслар ва акциядорлар - юридик шахсларнинг ваколатли мансабдор шахслари) сайланади.

16. Компаниянинг Кузатув кенгаши таркибига Қонунда назарда тутилган тартибда компания акциядорлари ҳисобланмайдиган шахслар ҳам сайланиши мумкин. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда:

- етарли даражада иктисодий билимларга;
- раҳбарлик ишида ишлаш амалиётига;
- компания фаолияти йўналиши бўйича иш тажрибасига;
- корпоратив бошқарув ҳамда қимматли қоғозлар бозори соҳасида кўшимча маълумотга эга шахсларга устунлик берилади.

17. Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

18. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони компаниянинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга, ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

19. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар компания Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

20. Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

21. Кузатув кенгаши аъзолари компаниянинг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади.

#### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

22. Компания Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу Кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

23. Компаниянинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

24. Компания Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

25. Компания Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

26. Компания номидан Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси, шунингдек Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномалари компания Кузатув кенгашининг раиси, ёки Кузатув кенгаши қарори билан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.

27. Компания Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

#### **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

28. Компания кузатув кенгашининг мажлисини чақариш ва ўтказиш тартиби компания уставида ва ушбу низомда белгилаб қўйилади.

29. Компания кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан

унинг ўз ташаббусига кўра, компания кузатув кенгаши аъзоси, тафтиш комиссияси аъзоси, компания бошқаруви раиси ва аъзоларининг талабига кўра чақирилади.

30. Компания кузатув кенгашининг мажлислари очик тартибда ўтказилади.

31. Компания Кузатув кенгашининг мажлислари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилиши мумкин. Бунда Компания Кузатув кенгашининг қарорлари барча аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилинади.

32. Компания Кузатув кенгашининг мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

33. Компания Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум компания Уставига мувофиқ компания Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил этади.

34. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг сони компания Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, компания Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек компания Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

35. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Қонунда, компания Уставида ва ушбу Низомда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

36. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар мажлисда иштирок этаётган компания Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади:

- компаниянинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва Компания Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- компаниянинг устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- компаниянинг йирик битим тузиши тўғрисидаги қарор;
- аффилиланган шахс билан битим тузишни маъқуллаш тўғрисидаги қарор;
- компания томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қарор қабул қилинган ҳолларда.

37. Компания Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

38. Компания Уставига мувофиқ компания Кузатув кенгаши раиси компания Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эгадир.

39. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади.

40. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

41. Компания Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган компания Кузатов кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

42. Компания Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Компания Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатов кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот компания Бошқарувига Кузатов кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

43. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада компания соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор компания кузатов кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатов кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

44. Йирик битим тузиш масаласи бўйича компания кузатов кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатов кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

45. Компания кузатов кенгаши компания бошқарувидан аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомаси келиб тушган тақдирда аффилиланган шахснинг ёзма билдириши компанияга келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилиши зарур. Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарор мажлисда иштирок этаётган компания кузатов кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, кузатов кенгаши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган аффилиланган шахс ҳисобланган кузатов кенгаши аъзолари бундан мустасно.

## **VI. КУЗАТОВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

46. Кузатов кенгашининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатов кенгашининг мажлисларида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама этилаётган масала бўйича регламентга кўра ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- компания Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва компания Кузатов кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш. Компания Кузатов кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- компания Кузатов кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш;
- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиришни талаб қилиш;
- компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни талаб қилиш;
- кузатов кенгаши томонидан дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан, шунингдек компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсиялар тайёрлашда таклифлар киритиш;
- компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, компания фаолиятини такомиллаштириш, компания Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш, компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

- кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажарган даври учун ҳақ олиш;
  - бошқа ҳуқуқлар.
47. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:
- ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва ҳалол бажариш;
  - ҳар чоракда компания Бошқарувининг компаниянинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш;
  - ҳар чоракда ички аудит хизматининг (агар у мавжуд бўлса) ҳисоботини эшитиш;
  - ҳар чоракда компания тафтиш комиссиясининг компаниянинг аффилиланган шахслари билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосасини кўриб чиқиш;
  - бошқа мажбуриятлар.

48. Кузатув кенгаши аъзоси аффилиланган шахс ҳисобланган тақдирда, у компания билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда, ёзма билдириш юбориш орқали компанияни хабардор этиши шарт.

49. Компаниянинг аффилиланган шахси ҳисобланадиган Кузатув кенгашининг аъзоси компаниянинг кузатув кенгаши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга.

50. Компаниянинг кузатув кенгаши қонунда белгиланган тартибда аффилиланган шахс билан келгусида компания томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маълумлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

51. Кузатув кенгаши аъзолари шахсий манфаатлари учун кузатув кенгашининг у ёки бу қарорларни қабул қилишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

52. Кузатув кенгаши аъзолари компаниянинг имкониятлари (мулкӣ ёки номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, компаниянинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

53. Кузатув кенгаши аъзолари ўз мансаб вазифаларини ҳалол, шунингдек компания манфаатлари учун улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириши шарт.

## **VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ВА ЙИЛЛИК МУКОФОТ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

54. Кузатув кенгаши аъзолари ва котиби кузатув кенгаши аъзолари ва котибининг вазифаларини бажариб турган давр учун ҳар ойда катъий белгиланган миқдорда ҳақ (рағбатлантириш) ҳамда компаниянинг молиявий-хўжалик йили самарали яқунлангани учун йиллик мукофот пули олиш ҳуқуқига эга.

55. Кузатув кенгаши аъзолари ва унинг котибига тўланадиган ҳар ойлик ҳақ (рағбатлантириш)нинг миқдори компания йиллик бизнес-режасининг смета-харажат қисмида назарда тутилади ҳамда Кузатув кенгаши йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳар ойлик ҳақ (рағбатлантириш) миқдори улар ўртасида қуйидагича тақсимланади:

- Кузатув кенгаши раисига - ҳар ойда, республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 (ўн) баравари миқдорида;
- Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бирига - ҳар ойда, республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 8 (саккиз) баравари миқдорида;
- Кузатув кенгаши котибига - ҳар ойда, республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 4 (тўрт) баравари миқдорида.

56. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳар ойлик ҳақ (рағбатлантириш)нинг

миқдори акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида мазкур "Низом"га ўзгартириш киритиш орқали ўзгартирилиши мумкин.

57. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳар ойлик ҳақ (рағбатлантириш) мазкур "Низом" акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида тасдиқланганидан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб тўланади.

58. Мукофот пули Кузатув кенгаши аъзоларига бир йилда бир марта компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича компания томонидан "Бизнес режа"да белгиланганидан ортиқча соф фойда олинганлиги учун берилади.

59. Кузатув кенгашига тўланадиган мукофот пули компаниянинг йиллик "Бизнес-режаси"да белгиланганидан ортиқча олган соф фойдасининг 10 фоизи миқдорида белгиланади ва у кузатув кенгаши раиси ва аъзоари ўртасида қуйидагича тақсимланади:

- Кузатув кенгаши раисига - Компаниянинг йиллик "Бизнес-режаси"да белгиланганидан ортиқча олган соф фойдасининг 2,0 фоизи миқдорида;

- Кузатув кенгаши аъзоси ҳар бирига - Компаниянинг йиллик "Бизнес-режаси"да белгиланганидан ортиқча олган соф фойдасининг 1,25 фоизидан миқдорида;

- Кузатув кенгаши котибига - компаниянинг йиллик "Бизнес-режаси"да белгиланганидан ортиқча олган соф фойдасининг 0,50 фоизи миқдорида.

60. Мукофот пуллари суммаси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарори билан соф фойдани тақсимлаш масаласини кўриб чиқишда тасдиқланади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўз қарорини қабул қилишда заруриятга қараб компаниянинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, кузатув кенгаши аъзоларига ва котибига тўланадиган мукофот пули миқдори ва тақсимотини ушбу "Низом"нинг 59-бандида белгиланган кўрсаткичларга нисбатан ўзгартириши мумкин.

## **VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

61. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда компания манфаатларини кўзлаб иш тутишлари зарур.

62. Кузатув кенгаши аъзолари қонун ҳужжатларига ва компания Уставига мувофиқ компания олдида жавобгар бўлади. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг компания олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади. Бунда компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган компания кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

63. Компания, ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) компанияга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан компания кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

64. Компанияга зарар етказган кузатув кенгаши аъзоси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уни қоплайди.

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

65. Ушбу Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

66. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги ва компания Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.



67. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

*Акциядорлар билан корпоратив  
муносабатлар бошқармаси*